

Аъзу биллаҳини айтиш...

05:00 / 04.01.2017 15497

Бу ерда намозда ният қилиб, қулоқ қоққандан кейин «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм»ни ўқиш ҳақида сўз боради. Намозхон ўзидан шайтон васвасасини нари қилиш учун намозининг аввалида «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм»ни ўқиши жорий қилинган.

Шу билан бирга ҳар бир Қуръон тиловат қилувчи ҳам «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм»ни ўқимоғи лозим. Чунки

Аллоҳ таоло: «Қуръон ўқиган чоғингда, Аллоҳдан қувилган шайтон(шарри)дан паноҳ сўрагин», деган. (Наҳл: 98)

Яъни, аввал «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм»ни айтиб туриб, кейин Қуръон қироатини бошлагин.

«Аъзу биллаҳи»ни айтиш Қуръони Карим тиловати учун тилни поклайди. Кишини Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримни ўқишга тайёрлайди. Шайтоннинг васвасасидан сақлайди. Бутун вужуди ва шуурини Аллоҳ томон буради.

Ушбу ояти каримадан уламоларимиз Қуръон ўқишни бошламоқчи бўлган ҳар бир инсонга «Аъзу биллаҳи»ни айтиш вожиблиги ҳукмини чиқарганлар. Чунки Аллоҳ шунга амр қилмоқда. Аллоҳнинг амри ҳар бир мўминга вожиб. Уни қилмаган одам гуноҳкор бўлади.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам кечаси қачон намозга турсалар такбир айтар эдилар ва сўнгра:

«Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва таба'рока'смука ва таъала жаддука ва ла' илаҳа ғойрук», дер эдилар.

Кейин эса, «Аллоҳу акбару кабийро», ундан кейин, «Аъзу биллаҳи самийъил алийми минаш шайтонир рожийми мин ҳамзиҳи ва нафсиҳи ва

нафхиҳ», дер эдилар».

Сунан эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Имом Термизий, ушбу ҳадис бу бобдаги энг машҳур ҳадисдир, деганлар.

Ҳанафий ва Ҳанбалий мазҳаблари саного ушбу дуони ўқишни ихтиёр қилганлар. Дуонинг маъноси:

«Эй, бор Худоё! Сенинг Ўзингни поклаб ёд этаман ва шу билан бирга Сенга ҳамду сано айтаман. Исминг муборак бўлди. Шаънинг олий бўлди. Сендан бошқа илоҳи маъбуд йўқ».

У зот сўнгра:

«Аъу'зу билла'ҳис самийъил алийми минаш шайтонир рожийми мин ҳамзиҳи ва нафсиҳи ва нафхиҳ», деб туриб намоз қироатини бошлар эканлар.

Усмон ибн Абул Осс розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Шайтон мен билан намозим ва қироатим орасида тўсиқ бўлди. У мени қироатда илтибосга соляпти», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўша Ханзаб, деб номланадиган шайтондир. Қачон уни ҳис қилсанг «аъу'зу билла'ҳи»ни айтгин-да чап томонга уч марта туфлагин», дедилар.

У: «Мен ўшандоқ қилган эдим, Аллоҳ мендан уни кетказди», деди».

Муслим «руқя» - «дам солиш» бобида келтирган.

Шарҳ: Усмон ибн Абул Осс розияллоҳу анҳунинг саволлари намоз ичидаги шайтон васвасаси ҳақида бўлган.

Ушбу ҳадислардан олиниб, Ҳанафий мазҳабида биринчи ракъатда «аъузу биллаҳи»ни ичида айтилади, дейилган.